



20 20 у « 25 » июнь

№ Қ-285

«    »    20    г

**Бандихон тумани “Наврўз” маҳалласи худудидан “Наврўз Газ” МЧЖга “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компресор станцияси биноси”ни қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 03-02/246-сон йиғилиш баёни, Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 4 майдаги 01-05/105-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 03-02/246-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Наврўз” маҳалласи худудидан “Наврўз Газ” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 140қ-дала контуридан 1,0 гектар яйлов ер майдонига “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компресор станцияси биноси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Наврўз Газ” МЧЖ “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компресор станцияси биноси”ни қуриш учун ажратилаётган “Наврўз” маҳалласидан 1,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 13 356 060 (ўн уч миллион уч юз эллик олти минг олтмиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юкласин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов